

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 1 октябрь № 206 (3481) • Жума

ОНАДЕК МЕХҲРИБОН, ОТАДЕК ҒАМХЎР


1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни

Бугун устозлар ва мураббийлар кўни, умумхалқ байрамимиз. Бизга меҳр қўри билан сабоқ берган муҳтарам устозларимизни қадрлайдиган кўн. Кейинги пайтларда устоз ва мураббийларнинг иш фаолиятига ҳуқуқматимиз томонидан алоҳида эътибор қўрсатилмоқда. Бу бежиз эмас. Негаки, уларнинг келажакимиз бўлajakлари бўлмиш ёш авлодни камол топтиришдаги фидокорона меҳнати ана шундай эътиром ва ҳурматга сазовордир. Айтиш жоизки, бугун нафақат ўқитувчиларнинг, балки илм-хунарда шогирд этиштирган турли соҳа вакилларининг ҳам байрами. Шундай экан қўнлуғ кўнда қўнлуғ байрамимиз муборақ бўлсин, азиз устозлар!

(Устоз ва мураббийларга бағишланган мақолалар билан газетамизнинг 3-саҳифасида танишасиз).



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.



Шарқ гўзаллари беллашувга киришди

Аввал хабар берганимиздек, кеча пойтахтимиздаги муҳташам "Ўзбекистон" спорт мажмуасида бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи — "Шарқ гўзали — 2004" мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бадий гимнастика федерацияси президенти Л.Каримова мусобақа иштирокчиларини табриқлаб, турнирни очик деб эълон қилди ва беллашувларда спортчиларга омад тиллади. Халқаро гимнастика федерациясининг бадий гимнастика бўйича техник кўмита президенти Эгле Абуруццини эса ўз сузида "Дунёнинг турли сарҳадларидан келган спортчилар иштирок этаётган ушбу мусобақада гўзал ҳиссиётларни ва ажойиб му-

бу кўҳна ва навқирон юртдан кўплаб жаҳон ва олимпиада чемпионлари чиқишига чин дилдан ишонаман, бунинг учун эса етарли асослар бор", дея таъкидлади. Шундан сўнг залга мусобақада иштирок этаётган Озарбойжон, Белорусь, Хитой Тайпейи, Грузия, Исроил, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Малайзия, Польша, Ҳиндистон ва Ўзбекистон байроқларини кўтарган спортчилар кириб келишди. Миллий анъанамизга кўра қарнай, сурнай наволари янграб, мамлакатимиз санъат усталари ўз чиқишлари билан тадбир иштирокчиларини қўлашди.


Расмий беллашувлардан олдин гимнастикачилар ўртасида норасмий мусобақа ҳам ўтказилди. Унда иштирок этган юртошимиз Анастасия Берестецкая ўзининг нафис ва чаққон ҳаракатлари билан энг кўп очко жамгарди. Шунингдек, Екатерина Бабина ва Раъно Мухаммедоваининг чиқишлари томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

Мусобақаларни "А" гуруҳидаги озарбойжонлик бадий гимнастикачи Анна Курбонова бошлаб берди. Ҳамюртларимиздан Алесия Ашаева, Рита Алимова чиқишларини муҳлислар оқшилаб турдилар.

Ҳозирда бадий гимнастиканинг порлоқ юлдузига айланган Алина Кабаеванинг нафис ва чаққон ҳаракатлари, ўзига хос ижроси ишқибозларнинг қарсақларига сазовор бўлди.

Бугун мусобақалар давом этади ва кечкурун голиблар аниқланади. Тадбирнинг очилиш маросимида Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, С. Иномова иштирок этди.

Самидилла ХАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.



хитни кўриш менга завқ бағишлайди. Кубок мусобақалари Тошкентда илк бор ўтказилаяпти. Бироқ Ўзбекистонда спортга, хусусан, бадий гимнастикага катта эътибор билан қаралаётгани, яқин келажақда



СУРАТЛАРДА: тантанадан лавҳалар. Д. ЮСУПОВ, С. ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар

ХХРнинг мустақиллик байрамига бағишланди

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидеда Хитой Халқ Республикаси мустақиллигининг 55 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлди. Тадбирда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Гау Лю Шин ва бошқа вакиллар ҳамда талабалар иштирок этдилар. Маросимда Ўзбекистон ва Хитой давлати ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик ҳақида сўз борди. Талабалар томонидан ижро этилган хитой миллий рақслари, куй ва қўшиқлар кечага ўзгача шукҳ бахш этди. Шундан сўнг Гау жаноблари университетнинг хитой тили катта ўқитувчиси Зоя Иванова-га талабаларга хитой тилини ўргатишда эришган ютуқлари учун ХХРнинг Дўстлик орденини топширди. Шунингдек, халққаро журналистика факультетининг аълочи талабаларига элчихонанинг қимматбаҳо совғалари ҳам топширилди.

Бибисора ШАРИПОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Мамлакатимизда 20 сентябрдан эътиборан икки палатали парламент ва вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига сайлов кампанияси бошланди. Бўлғуси сайловлар Ўзбекистонда демократик жараёнларни янада ривожлантириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда чет эл жамоатчилиги ҳам катта эътибор билан қарамоқда.

26
декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасига ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кўни

"Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси" — сайловларга бағишланган наватбатдаги халқаро конференция шундай деб аталади. Пойтахтдаги "Интерконтинентал" меҳмононасида ўтаётган мазкур анжумани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва миталқалараро тадқиқотлар институти, Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жағармаси ташкил этди. Конференцияда Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Канада, Латвия, Польша, Россия, АКШ, Франция, Япония, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан етакчи сийосатшунослар, парламентаризм соҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланувчи олимлар, дипломатлар, экспертлар, халқаро ташкилотлар, давлат ва ноҳуқумат тузилмалар вакиллари иштирок этмоқдалар.

Конференциядан кўзланган максат парламентни шакллантириш борасида хориж тажрибаси ҳамда парламент фаолияти самардорлигини оширишга хизмат қилувчи омиллар билан танишишдир. Анжуман катнашчилари турли мамлакатларнинг икки палатали парламенти ва Олий Мажлисининг бўлғуси икки палатали тизими конституциявий-ҳуқуқий базасини таққослайди, қонунчилик органи фаолиятини ҳуқуқий тартиб-

га солишдаги ижобий тажрибаларни умумлаштиради ва уни янада такомиллаштириш йўлларини белгилайди. Конференцияда парламент палаталарини шакллантириш услублари, уларнинг ваколатлари, фаолиятининг ички тузилмаси, парламентнинг сиёсий партиялар билан муносабатлари муҳокама этилмоқда.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунларидан дунёда қабул қилинган демократик тамойиллар ва инсон ҳуқуқларига ривож этиш янги жамиятни барпо этишда устувор вазифа сифатида белгиланган, деди конференцияни очар экан, Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В.Норов. Бу жараён-

да ижтимоий алоқалар ва давлатчиликни мустаҳкамлашнинг миллий анъаналари ҳам инobatта олинмоқда. Мутлақо янги асосда, ошқоралик ва транспарентлик руҳида ўтадиган сайловлар парламент тизимини шакллантиришда яна бир муҳим қадам бўлади. Улар фуқаролик жамиятини ривожлантириш, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамиятини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтиришга ёрдам беради. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан бошланган икки палатали парламентни шакллантириш жараёни мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган сиёсий мантиқий давомидир. Шу маънода хориждаги илғор тажрибаларни ўрганиш, сайлов қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш катта аҳамият касб этади. Халқаро ташкилотлар, шу жумладан БМТ, ЕХТТ, Европарламент билан ҳамкорликнинг кенгайиши ана шу максатда хизмат қилади.

Бугунги кунда замонавий демократик ҳуқуқий давлатни очик, демократик сай-

ловларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, деди Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев. Сўнги икки йилда қатор қонунлар қабул қилиниб, уларда қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий мейёрлари белгилаб берилди. Улар сайловлар демократик асосда, ошқоралик ва очиклик руҳида ўтишини кафолатлайдиган механизмларнинг шаклланишида муҳим омил бўлмоқда. Чунончи, сайлов комиссиялари ўз фаолиятини очик ва ошқоралик билан бориши қонун билан мустаҳкамланган. Сайловларни тайёрлаш ва ўтказишда сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлар, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ўз наватбатда, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчиларнинг мустақил ташаббускор гуруҳларига сайловолди ташвиқоти учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқлар берилган.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕК КУРАШИНING ХИНДИСТОНДАГИ ЖОНКУЯРИ МУАММОНING ЕЧИМИ БОР

Ҳозирга келиб, ўзбек кураши ер кўррагининг 70 дан зиёд давлатда халқаро спорт тури сифатида қизиқиб келиб ўрганилмоқда. Қўноқлариса, курашчилар сафи кенгайиши сари муҳлислар сонини ҳам кўпайиб бораётган.

Жорий йилнинг июль ойида Туркиянинг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро кураш федерациясининг наватбатдаги ижроия кўмитаси йиғилишида курашчиларнинг жонкуярларидан бири Ҳиндистон Миллий Конгресс партиясини етакчиси Сони Гандига ХААнинг Олтин медалини беришга қарор қилинди.

Яқинда Дехли шаҳрида ушбу мукофотни расмий топшириш маросими бўлиб ўтди. Сони Ганди мукофотни қабул қилиш чоғида ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан яқин хабардорлигини, бу эзу аяна давом этаётганидан мамнун эканлигини таъкидлаб ўтди.

Ўз мухбиримиз.

Иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг IX сессиясида "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари туғрисида"ги қонун муҳокамаси чоғида давлатимиз раҳбари И.Каримов мамлакатимизда цензура амалда бекор қилинган матбуот сўзининг масъулияти ортиси масаласига алоҳида эътибор қаратди. Орадан икки йилдан зиёд вақт ўтди. Ўша масала нечоғли асосли қўйилганини бугун ҳаёт кўрсатмоқда. Айрим нашрларда вақти-вақти билан ушбу мавзуга бағишланган мақолалар кўзга чалина бошлади ва ниҳоят "Халқ сўзи" газетасида таниқли журналист Аббосхон Усмоновнинг "Журналистик — иймондан бошланади" сарлавҳали салмоқли мақоласининг эълон қилиниши ҳақи равишда жамоатчилик эътиборига тушди.

Хасталик тан олимпиаданича унинг давоси топилмаганидек, ҳар қандай муаммонинг муаммо сифатида эътироф этилиши уни ҳал этиш сари қўйилган дастлабки қадам ҳисоблана-

нияти шу, яъни ҳар давр ўзига хос муаммоларни кўндаланг қўяверадим, инсон эса унинг энг оқилона ечимларини топши асосида тобланаверади. Жаҳон журналистикаси таҳрибала-

ри шундан далолат бермоқдаки, оммавий ахборот воситалари соҳасига доир ҳар қандай муаммонинг ечимини топшишда қуйидаги икки омилга эътиб қўйиладим: биринчиси — соҳада ўз-ўзини бошқариш тизимини яратиш, иккинчиси — ҳар қандай катта-кичик муаммони жамоатчилик иштирокида бартараф этиш механизминини ишлаб чиқиш. (Умуман, ҳуқуқий-демократик жамиятнинг бош белгиларидан бири ҳам жамият аъзоларининг фа-

оллигини оширишдан иборат.) Маазуру икки омилни яратмай туриб журналистнинг касб одоби муаммоларини тўғри ва оқилона ҳал қилиш қийин.

Мулоҳазаларини бир бошдан баён қилишга тўғри келади.

Энг аввало, жамиятда шундай муаммо тобора кўзга яққолроқ ташланиб қолаётганидан фоҳиа ясамаслик керак. Гап шундаки, журналистнинг касб одоби ўзбек миллий журналистикаси учун нисбатан анча ёш муаммо. Салкам бир ярим асрлик ўзбек матбуотчилигида "журналистнинг касб одоби" тушунчаси бўлмагани, деган савол туғилади. "Яқиндагина, олти йил муқаддам десак ҳам бўлади, — деб ёзади таниқли рус матбуотшуноси олими Д.Авраамов "Журналистнинг касб одоби"

(Давоми 2-бетда).

ПАРАЛАМЕНТАРИЗМ: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистоннинг икки палатали парламентига сайловларга бағишланган конференцияда қатнашиш бу жараёни ташкил этишдаги ютуқларни баҳолаш имконини беради, деди ЕХТН-нинг Тошкентдаги маркази раҳбари Пэр Нормарк. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда демократия йўлида талай муҳим қадамлар ташланди. Сайловларни демократлаштириш мақсадида қонунчилик анча тақомиллаштирилди. Махалла каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тажрибасидан кўпроқ фойдаланишга эътибор қаратиш лозим. Бу тажриба бошқа давлатларда ҳам қизиқлиқ уйғотмоқда.

Конрад Аденауэр номидаги жағмага ўн йилдан буюн Ўзбекистонда фаолият олиб бормоқда ва бу ерда амалга оширилётган демократик ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда, деб таъкидлади жағмага раҳбар Марказий Оснэ ва Кавказ бўйича минтақавий вакили Аня-Мария Кэссер. Жағмага сайлов жараёнининг бевосита иштирокчилари бўлган оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Ҳуқуқий тизимларнинг тури кўп. Хар бир мамлакат ўз шароити ва аъёнчаларига мосини танлайди. Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши жамиятини янада демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Конференцияда иштирок этган АКШ Миллий матбуот маркази вице-президенти Питер Жеймс Хикманнинг таъкидлашича, дунёнинг ривожланган мамлакатларида демократияни шакллантириш жараёни юз йиллаб давом этмоқда. Ўзбекистонда бу жараён бошланганига эса эндиgina

10 йилдан ошди. Бугун мамлакатда бешта партия фаолият кўрсатмоқда, уларнинг ҳар бири ўз сайловолди дастурини илгари сурмоқда. Бу эса аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолигини ривожлантириш, сайлов кампаниясида қатнашиш ва сайлов натижаларидан манфаатдорлигини оширишга ёрдам беради. Агар ЕХТН кузатувчилар юрбурмас ҳам АКШ президенти сайловлари қонуний ҳисобланадими, деган саволга жавоб берад экан, П.Хикман куйидагиларни таъкидлади: Халқро ташкилотларнинг фикридан қатъи назар, "сайловлар қонунийлигини халқнинг ўзи белгилайди".

Япония парламенти Юқори палатаси режалаштириш ва қилиш офиси директори ёрдамчиси Ясуо Накаучининг фикрича, Ўзбекистонда сайловларни ўтказишга тайёргарлик ишчанлик руҳида ўтмоқда. Турли мамлакатлар тажрибаси, уларнинг парламент фаолиятидаги илғор механизмларни ўрганиш Ўзбекистонда миллий манфаатларга ҳам, халқро демократик тамойилларга ҳам тўлиқ жавоб берадиган ўз тизимини яратиш имконини беради.

Халқро ишлар бўйича Миллий демократик институтнинг (АКШ) Ўзбекистон Республикасидаги дастурлари директори Р.Глауб ўз сўзида Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларга юксак баҳо берди. "Икки палатали парламентга ўтишининг ўзи демократия сари қадамдир". У Ўзбекистоннинг янги парламенти фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларга ҳам тўхталди. Хусусан, Р.Глаубнинг фикрича, профессионал депутатлар ваколат муддати беш йил бўлиши қонунийлик сифатида ижобий таъсир қилади. "Депутатлар парламентада қанча ўзоқ ишласа, шунча яхши. Чунки бу барқарор-


лик омилidir".

Р.Глауб қонунда белги-ланган иккала палата ўртасидаги муносабатлар тартиби парламентнинг самарали ишлаши учун муҳим омил бўлишини таъкидлади. Парламентнинг иккала палатаси бир-биридан мустақил фаолият олиб борагани ҳолда, умумий ягона натижаларини ақс эттирувчи қарорларни қабул қила олади. Муайян масала юзасидан палаталар ўртасида жиддий келишмовчилик юзага келганда тегишли қўмиталар тузиш орқали келишувга эришиш механизми кўзда тутилган. Р.Глаубнинг қайд этишича, бундай келишилган қарорлар демократиянинг муҳим белгилиридан бири бўлиб, шубҳасиз, Ўзбекистонда демократик жараёнларни ривожлантиришга қўмақлашичи. Экспертнинг фикрича, янги қонунчиликда кўзда тутилган ўзаро чекловлар ва мувозанатни сақлаш тизими "парламентда қучлар тенглиги"ни шакллантириш имконини беради, бу эса демократик ўзгаришларга амал қилиш борасида муҳим омил бўлади.

Конференция қатнашчиларига сайловларга тайёргарлик жараёнида қатор намуналар чоп этилгани ҳақида маълумот берилди. Чунки, "Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси" китоби ўзбек ва рус тилларида, "Ўзбекистон фуқаролик жамияти йўлида" мақолалар тўплами, қатор рисодалар нашр этилди, матбуотда сайлов қонунчилигини тушунирувчи қўллаб-қувватловчи эълон қилинди. Уларда икки палатали парламентни шакллантиришнинг долзарб масалалари ақс этирилган.

Конференция қизгин муҳокама руҳида ўтмоқда. Турли фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.



Пахта 2004

Шу кунларда Навоий вилояти пахтакор туманлари далаларини кезган кишининг нигоҳи дам-лаб, оппоқ дегиз мисол чайқалиб ётган пахтазорларга тушади. Тушади-ю, унинг қалбида ҳам пахтазор ҳайрати ва ҳарорати жўш ура бошлайди. Лўппи-лўппи очилган пахталар янаям чиройли, янаям жозибали бўлиб кўринади. Айниқса, барглари тўкилган пахтазорлар жуда ҳам очилиб, пахта ҳади димоқларни қитқилаб, гўё тўйи бўлаётган оппоқ либосли келинчақдек ўз-ўзидан гўзаллашиб кетади. Шу бос пахтани дала келинчаги деб таърифласак, асло муболага бўлмайди.

«сайрайверади»ган фермерлардан эмас. Гапдан ишчи афзал кўради.

Карманликлар 7770 гектар майдонда етиштирилган пахтадан 28,5 центнердан ҳосил олиб, 23 минг тонналик шартнома режасини бажариш учун терим суръатини кундан-кунга оширмоқдалар. Тумандаги 660 та фермер ҳўжалигидан 450 таси пахтачилик билан шуғулланади. Улар-

Масалан, «Баҳриддин бобо», «Богинур Умид», Файбулла Тўраев номли фермер ҳўжаликлариде ҳосилдорлик 35-40 центнерни ташкил этди.

— Бу йил Хатирчида ҳосил мўл, — дейди вилоят кишлoқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари Акрам Алиқулов. — Чигитнинг эрта экилиши, гўзаларни маҳаллий ўғитлар билан ўз вақтида озиклантириш ва биоусулга жиддий эътибор қаратилгани яхши самаралар берди. Масалан, олддинлари кўсак қурти тушган дала-ларга 10-15 марта турли дори-лар сепилган бўлса, биоусул билан қўллашдаёқ ҳар қандай зараркунанда хашаротлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Бу ҳам арзон, ҳам эъниб йўқ.

— Ҳосилдорликнинг чўғи қандай?

— Хар йилгидан яхши. Келинг, мана шу даладаги толанинг оғирлигини лабораторияда ҳисоблаб кўрамиз, — дейди туман ҳўкимси Эркин Турдимов.

Ҳаммамиси машинадан тушиб А. Пулатов номли ширкати ҳўжалиги қарашли далада оппоқ бўлиб очилиб ётган қанчалардаги пахта-лардан санаб териб олдик ва уларнинг оғирлигини би-лиш учун «Гулистон» пахта қабул қилиш пунктига бо-риб лабораторияда ўлчадик. Кўйидагилар маълум бўлди: 10 та қанчоқдан олинган то-ланинг оғирлиги 56 грамм, 17 тасиники 86 грамм ва 35 та қанчоқнинг оғирлиги 188 грамм чиқди. Ҳарчанд 5-7,5 граммдан тўғри келди. Демак, толанинг тоқ боси-ши меърида.

Хатирчида хар кун 25-30 минг теримчи ва хашар-чилар гайрат билан пахта териб, хар беш кунда те-рим ҳақини олиб турибди-лар. Шу кунларда Пахта банкнинг вилоят ва туман бўлимлари ходимларининг пахтакорлар каби қўли қўлга теғмайди. Дехқон ўз ишидан манфаат кўрса, иш ҳақини ўз вақтида олса, унинг гайратига гайрат, ши-жозига шижоат қўшилади. Пахтага пахтазорга бўлган меҳри янада ошади.

Ватанимизнинг улкан ҳир-монига 115 минг тонналик пахтаси билан ҳисса қўшиш-га астойдил бел боғлаган навоийлик пахтакорларга омадлар вр бўлсин. Қўшли кулар галаба онларни яқинлаштириб, пахтакорлар-нинг юзларини брўғ қилсин.

Ашурали ЖўРАЕВ.

Ёруғ кунлар ҳарорати

Навоий вилояти «оқ олтин» далалиридан репортаж

лар ҳам гайрат билан от суришяпти. Карманликлар эса майдонга дадил тушиб борапти. Хуллас, Навоийда биринчилар шохсувнинг эгаллаш учун пахта симфонияси юксак авҳалларда янграмоқда...

Йўлимиз Кармана туманининг «Маданият» ширкати ҳўжалигига тушди. Бу илғор ҳўжалик сўнгги ўн йилдан буюн туманда режасини бажариб келяпти. Уларнинг ҳам бразилиялик футболчиларга ўхшаб биринчилики берилгани келмайди.

— Бу йил ҳам голибликни кўлдан бермаймиз, — дейди ҳўжалик раиси Бахтиёр Раззоқов. — Шу кунларда 5-6 фоиздан ошириб пахта топширагимиз. Ҳосилдорлик шартномада бел-гилаган 33 центнер ўрни-га 40 центнерга етказмоқчи-миз.

Қўшни «Зарафшон» ширкати ҳўжалигиде ҳам терим қизгин паллага кирган. Ҳўжалик 460 гектар ердан давлатга 600 тонна пахта топшириш мажбуриятини олган бўлса, 450 гектар майдонда пахта етиштирган фермерлар эса 680 тонна «оқ олтин» етиштирмоқчи.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, навоҳарликлар биринчи теримдаёқ шартнома ре-жаларини бажаришлари мумкин. Ҳаммаси ушшоқ-лик, сафарбарлик ва инти-зомга боғлиқ. Лекин терим кўпкарисиде қизилтепалик пахтакорларнинг улқоқни олиб кетиш эҳтимоли бор-лигини ҳам эслатиб қўймоқ-чимиз. Бу ёқда хатирчилик-

ерда етиштирилган пахтадан ўтган йили 40 центнер ҳосил олган бўлса, бу йил уни 50 центнерга етказишга астой-дил бел боғлаган.

«Ўзбекистон» ширкати ҳўжалигининг 520 гектар ери ўнта пудратчиға шарт-нома асосида бўлиб берил-ган. Улар 38-40 центнердан ҳосил олишни ният қилган-лар. Масалан, Гофур Раҳи-мов, Назим Ҳусенов синга-ри пудратчилар шартнома режаларини бажариб, ҳосилдорликни 40 центнер-га етказиш учун ҳаракат қил-моқдалар.

Тумандаги энг йирки Ра-ҳим Исмоилов номли фер-мер ҳўжалиги жами 221 гек-тар ерга деҳқончилик қила-ди. Шундан 175 гектарига пахта эқади. Ҳўжаликнинг 60 та пудратчиси бор. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб 150 миллион сўм даромад қил-ди. 2 миллион сўм соф фой-да олинди.

70 нафар ишчидан хар бирининг ўртача ойлиги 77 минг 300 сўмдан тушди. Ҳўжалик раҳбари Муҳамма-дил Исмоилов бу йил ҳам пахта ҳосиллиги 10 кун ичи-да машиналар ёрдамида те-риб олмақчи.

Кийинишларидан амери-калик фермерларга ўхшаб кетадиган бу камгап, кам-сўқум ва айни пайтда гай-ратли йигитни кўриб, ер ҳақиқий эгасига берилгани-дан хурсанд бўласиз. У жур-налистнинг кўрганда ҳадеб

нинг 80 га яқин шартнома режаларини аллақондан ба-жариб, қўшимча мажбурият ҳисобига пахта топширмоқ-далар.

— Бу йил асосан «Ан-Боб-вут-2», «Бухоро-6» навляри-ни эканмиз боис дала-ларимизда мўл ҳосил етиш-тирилди, — дейди туман ҳўкимси Гофур Алиев. — Бу ислохотларнинг изчил йўлга қўйилаётганлиги самараси-дир. Энг муҳими, деҳқон-нинг иқтисодий манфаат-дорлиги ошиб борапти. Фермер ва пудратчиларга иш ҳақи ўз вақтида берил-япти. Теримчилар билан хар беш кунлик яқинида ҳисоб-китоб қилинмоқда. Қисқиси, деҳқон ўз меҳнатининг са-марасини кўрапти. Манфа-адорлик бор жойда иш уну-ми самарали ва баракали бўлади...

Хатирчилик деҳқонлар-нинг пахта етишти-риш бўйича ўзига хос аъён-чалари бор. Туманда но-дор пахтакорлар анчагина. Уларнинг тажрибалари фер-мерчиликда, пудратчиға жуда ҳам қўл келяпти. 12 минг 880 гектар пахта майдони-дан 35 минг 100 тонна «оқ олтин» етказиб беришга бел боғлаган хатирчиликлар кунлик ўшдида вилоятда ол-динги ўринларда бормоқда. 890 та пахтачиликка ишти-рошлаган фермерларнинг икки юзга яқини шартнома режаларини бажардилар.

машҳур қорқоннинг бо-лаб пўстагини қорқан газета э-ртасигаёқ кечаги танқиди учун уэр сўради...

газетада босилган мақола туфайли маънавий зарар унди-риш билан боғлиқ суд жараёни билан боғлиқ амалий жиҳатлар-ни эътибордан четда қолдир-масликка тўғри келяпти.

Республика газеталаридан бирида нуфузли олий ўқув юрти домласи пора олганликда айб-дониди, газетанинг наватбатдаги сониде эълон қилинган мақо-лада бу айблов асоссиз деб то-пилди...

машҳур қорқоннинг бо-лаб пўстагини қорқан газета э-ртасигаёқ кечаги танқиди учун уэр сўради...

газетада босилган мақола туфайли маънавий зарар унди-риш билан боғлиқ суд жараёни билан боғлиқ амалий жиҳатлар-ни эътибордан четда қолдир-масликка тўғри келяпти.

Республика газеталаридан бирида нуфузли олий ўқув юрти домласи пора олганликда айб-дониди, газетанинг наватбатдаги сониде эълон қилинган мақо-лада бу айблов асоссиз деб то-пилди...

машҳур қорқоннинг бо-лаб пўстагини қорқан газета э-ртасигаёқ кечаги танқиди учун уэр сўради...

газетада босилган мақола туфайли маънавий зарар унди-риш билан боғлиқ суд жараёни билан боғлиқ амалий жиҳатлар-ни эътибордан четда қолдир-масликка тўғри келяпти.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

китобида, — мамлакатимизда жуда тор доиралардагина жур-налист одоби ҳақида гап-сўзлар юради, у ҳам бўлса, бу муаммага матбуотдан даққи еганлар эътибор қаратишари ҳолис". Китоб 1991 йили нашр этилгани назарда тутилса, шўро журналистикасида мазкур муам-монинг ўрганилиши тарихи қарийб «кучи-кеча» бошланган. Ўзбек совет журналистикаси эса, шўро журналистикасининг ажралмас бир бўлағи эди, би-нобарин, миллий журналисти-касида касб одоби профессо-нал талаблар даражасида мут-лако тилга олинмаган десак ҳам хато бўлмайди. Бунинг бош са-баби цензурага бориб тақалган. Маълумки, цензура журналист-ларнинг, матбуот нашрларининг «одоби», «интизоми»ни сақлаб туривчи, мувофиқлаштирувчи, йўналтирувчи куч вазифини ўтаган. Аҳли қалам бу куч из-мидан четга чиқолмаган, яъни «одобсизлик»ка журъат этмаган.

Матбуотдаги чиқишлардан бирида соҳамизда йирк ва атоқли авторитетлар тақчили-ғи жиддий кусур сифатида тилга олинбиди. Бир ҳисобда тўғри мулоҳаза. Лекин ўз со-ҳасида шахс мақомига етишган комил авторитет — нуфуз, сало-ҳият бўлиши учун инсон, бирин-чи навбатда, эркин бўлмоғи шарт.Цензура қўлиларига сиг-маган қарашларини ифода этишга ҳақ-ҳуқуқсиз ижодкор қандай қилиб авторитет бўлсин?! Салоҳиятини қаердан олсин? Ижодий маҳорат ком-фирка «ҳақиқат»ларини нечоғ-ки сиддиқдиган адо этгани бил-ан ўлчанган шариотда муста-қил журналист, мустақил соҳа соҳиби мақоми бўлмаганлиги ҳаммага аён-ку!

Фақат ватанимиз мустақилли-ғи йилларидеги журналист шахс сифатида жамиятининг ҳақи-и ва фаол аъзоси даражасига қў-рилмоқда. Мамлакатда оммавий ахборот воситаларининг сони кескин ортди.Партия нашрлари, тармок ва идора нашрлари кўпайди. Умумий сони бир неча ўн баробар кўпайган газета, жур-нал, радио, телевидениени шўро давридан мерос — цензу-рашар услубида жойлаш мум-кин бўлмай қолди. Тараққиёт цензураини енгди. Журналисти-ташқаридан назоратлашдан кўра, уни ичдан тартибга кел-тириш тизими адолатлироқ экан-ни дунё тажрибасида аллақон-қон ўзлаштириб бўлинганини ниҳоят тан олинди. Ўзбек матбуоти ва журналистикаси Юртбосимиз-нинг астойдил савй-ҳаракати тў-ғри файли 2002 йилнинг май ойи-дан эркинлашш томон жиддий амалий қадам ташлади! «Матбу-

от ва ахборот соҳасида бошқа-руви тақомиллаштириш тўғри-сидаги Фомонда цензуранинг қатъиян ман этилгани мустақил-лик даври ўзбек журналисти-каси тарихида буткул янги саҳи-фани очди!

«Хўш, цензура бекор қилин-ган, матбуотимизда қандай ўзга-ришлар юз берди?» деган сав-ол ўқтин-ўқтин қулоққа чали-нади. Мен бу саволга ўзбек жур-налистикаси цензурасиз, қандайдир кўрсатмаларсиз фа-олият юритиш, ижод қилиш кўнликмасини ўзлаштириш бос-қичини бошдан кечиряпти де-

ҳамкасбларимизни хар қачонги-дан маҳораткор, хушёрроқ, билимдорроқ бўлишга ундая-пти. Одатдаги сенсацияга ташна-лик «касалими» бундай ўрин-ларда панд бериб қўйиши ҳеч гап эмас.

Шунга ўхшаш талабларнинг барини «журналистнинг касб одоби» тушуначиси ўзида муҳас-саб этилди.

Ахлоқ — ниҳоятда қадимий фалсафий фан. Кўхна Шарк, жумладан, мумтоз ўзбек ахлоқ-шўнослик илмининг битмас-ту-ганмас маънавий мероси хар қандай замонларда ахлоқий

юмолмаймиз. Суриштириб кел-ганда, демократия ҳам ўзига хос бошқарилишнинг бир кўриниши. Дарҳақиқат, матбуот демократия-сини матбуотнинг ва журналист-нинг ўзини-ўзи бошқариш, ўзи-ни-ўзи йўлга ва тартибга солиш демакдир. Эркинлик фақат на-зоратнинг йўқолиши эмас, бал-ки масъулиятнинг ортиши ҳа-қиқат. Демак, журналист шахси тарбиясини профессионал нуқ-таи назардан йўлга қўймай ту-риб ОАВдек мураккаб ва сер-қатлам соҳани ўз-ўзини бошқа-рини тизимига ўтказиши тасав-вур этиш мушкул.

Шу ўринда ҳажон журналисти-каси тарихида бу борада анча-мунча ибратли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш ло-зим. Манбаларда ёзилишича, матбуот эркинлиги тўғрисидаги давлатчи қонун 1766 йили Швейцарияда қабул қилинган. XVI асрда яшаган инглиз фойласу-фи Ж. Мильтон яратган «Аэро-пагитика» асаридеги журналист масъулияти ҳақидаги мулоҳаза-лар хануз ўз қимматини йўқот-маган. Журналистларнинг касб одоби кодекси илк бор 1900 йили Швейцарияда қабул қилинган. Францияда Журналистлар мил-лий синдикати 1918 йили «Ах-лоқ-одоб хартияси»ни қабул қилган. Америкалик Ж.Броун 1921 йили «Ахлоқ кодекси ва амалий журналистика меъёра-ри»ни тузган. АКШ газета бош муҳаррирлари 1923 йилда «Журнализм қонунлари» кодек-сини қабул қилганлар. АКШда ушбу муаммага бағишланган мақсус журнал нашр этилади. Кейинги 5-6 йилнинг ўзида рус журналистикаси тадиқотчилари ўнлаб ранг-баранг китоблар, тўпламлар, дарслик ва қўллан-малар нашр этирилди, сар-лаб ўтилган мисолларнинг ўзиде ҳажон журналистикасида касби-миз одоби муаммоси азал-азал-дан нечоғки кенг ўрганилгани-ни кўрсатади. Мухими шунда-ки, бунга ўхшаш ҳужжатлар, гарчи расман халқро аҳамият касб этмаса-да, улар давлат че-гараларидан, ирқий, миллий ва мафуравий қадриятлардан қатъи назар, дунёга тарқаб ул-гурган. Бу ҳол жамият ва мат-буот эркинлигининг, сўз ҳурли-ғи ва масъулияти тўғрисидаги журналист вазибалари ва бур-

қининг умуминсоний асослари мавжудлигидан, бир-бирига ўхшамас ва бетакор миллий журналистика мактабларини тағ-заминида уларни бирлаштириб туривчи ўзармас фундаментал қонуниятлар, ақидалар борли-гидан далолат беради. Ва за-монвий ўзбек журналистикаси мана шундай қадриятларни бай-роқ қилиб олган ҳажон журна-листикасининг ажралмас қисми-га айлиши палласида инсония-ти эришган энг илғор, энг иб-ратли тажрибалардан ҳақли ра-ҳим ва эмин-эркин фой-даланиш йўлларини излаётгани

билан боғлиқ амалий жиҳатлар-ни эътибордан четда қолдир-масликка тўғри келяпти.

Республика газеталаридан бирида нуфузли олий ўқув юрти домласи пора олганликда айб-дониди, газетанинг наватбатдаги сониде эълон қилинган мақо-лада бу айблов асоссиз деб то-пилди...

машҳур қорқоннинг бо-лаб пўстагини қорқан газета э-ртасигаёқ кечаги танқиди учун уэр сўради...

газетада босилган мақола туфайли маънавий зарар унди-риш билан боғлиқ суд жараёни билан боғлиқ амалий жиҳатлар-ни эътибордан четда қолдир-масликка тўғри келяпти.

Республика газеталаридан бирида нуфузли олий ўқув юрти домласи пора олганликда айб-дониди, газетанинг наватбатдаги сониде эълон қилинган мақо-лада бу айблов асоссиз деб то-пилди...

машҳур қорқоннинг бо-лаб пўстагини қорқан газета э-ртасигаёқ кечаги танқиди учун уэр сўради...

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ БОР

Яна журналистнинг касб одоби мавзусида

ган бўлур эдим. «Республика-даги янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар ом-мавий ахборот воситалари ол-диға мутлако янги, шу пайтгача нотаниш бўлган вазибаларни қўймоқда» деб ёзган эди мам-лакатимиз раҳбари. Мутлако янги ва нотаниш вазибалар шунга яраша янгидан-яни му-аммоларни кўндаланг қўймоқда ҳам.

Журналистнинг касб одоби мавзуси биз учун ана шундай янги ва нотаниш муаммолардан бири ҳисобланади. Журналист-нинг ижодий фаолияти шу қадар кўп ва ўзгарувчан, бири-бири-дан муҳим, бири-биридан масъ-улиятли омиллар орасида ке-чақиди, у ўзи ёзаётган хар бир ўзбек журналистикасида бунинг ўчун амалий тажрибалар етар-ли. Ўзбекистон Миллий универ-ситети журналистика факульте-тида, Ўзбекистон давлат ҳажон тиллари университети халқро журналистика факультетида журналистнинг касб одоби ало-ҳида фан сифатида ўқитила бошлангани шу маънода айни мутлако бўлди. Бу дарс машгу-лотларида бўлажак журналист-лар ўз фаолиятининг аввалдаёқ одобий талаблар билан таниша-дилар, қолаверса, худди шу йўналишда илмий-назарий му-ҳит вужудга келади, шакллана-ди. Уйлаймики, ҳозирда қадри қўнган журналистнинг касб одоби мавзусидаги қўнланма ва дарсликлар ҳам айни шу ўқув жараёнида яратилди.

«Бошқариш» сўзи одатда ижодкор одамга ҳук келавер-майди. Бироқ мамлакат ОАВ ти-зимини фаолият, истаимизми-йўқми, муайян тартиб-қонда асо-сида ташкил этилишининг кўз

мувозанати-ни сақлаб келган. Иймон, ин-соф, адолат, дёнёт, виждон, ҳалоллик сингари ахлоқий фа-зилатларни англашнинг тушуна-лар заррача охори тўқилмай хар қандай касб эгалари қатори жур-налистлар, матбуотчилар учун ҳам умумий ахлоқ-одоб талаб-лари вазибаларини ўтаган. Булар заррача тил теккизмаган ҳолда шуну ҳам айтиш керак-ки, умумий ахлоқ (этика)дан кас-бий одоб (профессионал эти-ка)ни ажратиб оладиган пайт келди. Профессионал одоб про-фессионал ёндашувини тақозо этмоқда.

Профессионал ёндашув эса ишчи илмий асосда ташкил этиш демакдир. Замонавий ўзбек журналистикасида бунинг ўчун амалий тажрибалар етар-ли. Ўзбекистон Миллий универ-ситети журналистика факульте-тида, Ўзбекистон давлат ҳажон тиллари университети халқро журналистика факультетида журналистнинг касб одоби ало-ҳида фан сифатида ўқитила бошлангани шу маънода айни мутлако бўлди. Бу дарс машгу-лотларида бўлажак журналист-лар ўз фаолиятининг аввалдаёқ одобий талаблар билан таниша-дилар, қолаверса, худди шу йўналишда илмий-назарий му-ҳит вужудга келади, шакллана-ди. Уйлаймики, ҳозирда қадри қўнган журналистнинг касб одоби мавзусидаги қўнланма ва дарсликлар ҳам айни шу ўқув жараёнида яратилди.

«Бошқариш» сўзи одатда ижодкор одамга ҳук келавер-майди. Бироқ мамлакат ОАВ ти-зимини фаолият, истаимизми-йўқми, муайян тартиб-қонда асо-сида ташкил этилишининг кўз

мувозанати-ни сақлаб келган. Иймон, ин-соф, адолат, дёнёт, виждон, ҳалоллик сингари ахлоқий фа-зилатларни англашнинг тушуна-лар заррача охори тўқилмай хар қандай касб эгалари қатори жур-налистлар, матбуотчилар учун ҳам умумий ахлоқ-одоб талаб-лари вазибаларини ўтаган. Булар заррача тил теккизмаган ҳолда шуну ҳам айтиш керак-ки, умумий ахлоқ (этика)дан кас-бий одоб (профессионал эти-ка)ни ажратиб оладиган пайт келди. Профессионал одоб про-фессионал ёндашувини тақозо этмоқда.

Профессионал ёндашув эса ишчи илмий асосда ташкил этиш демакдир. Замонавий ўзбек журналистикасида бунинг ўчун амалий тажрибалар етар-ли. Ўзбекистон Миллий универ-ситети журналистика факульте-тида, Ўзбекистон давлат ҳажон тиллари университети халқро журналистика факультетида журналистнинг касб одоби ало-ҳида фан сиф

Инсон хотираси азиз

«Авесто»дек мангу сўз, «Сақили наво»дек мангу куй, «Сувора»дек мангу тарона маскани Хоразм диёрида ҳар асрда забардаст шоиру шуаро таваллуд топган...

Хоразм ва Қорақалпоқ қўшиқчилик санъатининг бетакрор, ўзига хос намоёндаларидан бири, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркманистон, Татаристон республикалари халқ артисти...

Ақсарият санъатшунослар таъкидлаганидек, ҳофизнинг ижрочили камолида Комилжон Отаниёзовнинг мураббийлик муруввати алоҳида ўрин тутди...

НИЛНИ ТЎЛҚИНЛАНТИРГАН САНЪАТКОР

сувора» ижросида Ҳожихон устанинг нафаси сезилса, «Душимда бир булбул кўрдим», «Келар соллона-соллона» каби қўшиқларда Комилжон отаниёзовнинг ижро услуғи яқин оҳанглар устунлик қилади...

Бу ҳолат бирла гар афсонаи аҳли замондурман, Кезарман ишқ шаҳристонини ичра бир карвондурман, Матпои хусн одурга жон бериб ҳар сў раводурман...

Бугун адабиётимиз ва маданиятимизнинг таниқли вакиллари сеvimли хонанда хотирасини хурмат билан тилга олади...

да самимий инсон Отажон Худойшукуров билан авиайўналишимиз Тошкентдан Москва, Одесса, Истанбул, Анкара, Никозия, Байрут орқали Қоҳирагача, ундан кейин Аден ва Магадигача эди...

Ибройим ЮСУПОВ, Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон халқ шоири. — Ўзбекка ҳам, қорақалпоққа ҳам бирдек ардоқли фарзанд ҳисобланган Отажонни мен туғишган укамдек кўрар эдим...

келган авлод ичида санъаткорнинг ҳеч кимга ўхшамайдиган ижрочилик тамойили, нуқтаи назари, шеърый матн ва мусиқа танлаш мезърлари бор эди...

Санъаткор ҳаётлигида шеърыйимизнинг икки йирик вакили — Омон Матжон ва Ошиқ Эркин билан яқин ижодий ҳамкорлик қилди...

лар машҳур ҳофиз бўлишига қарамадан жуда оддий, тортинчоқ, самимий инсон эди. Мен бунга у бир вақтлари қисиниб-қимтиниб, «Абдулла ака, «Биринчи муҳаббатим» номли шеърингизни ўзимча бир қўшиқ қилган эдим...

Саодат ҚОБУЛОВА, халқ артисти, Ўзбекистон миллий консерваторияси профессори. — 1974 йилнинг 20 декабри...

«АВТОАЛОҚА» АЖ акционерлари диққати! 2004 йил 4 ноябрь куни соат 9.00 да «Автоалоқа» АЖ акционерларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтказилади...

МЧЖ «МАВВИЛ» тақлиф этади ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР Geko & Eisenmann (Германия) ЭЛЕКТР АСБЎБЛАР Makita (Япония)

ПАЙВАНДЛАШ УСКУНАЛАРИ (Италия ва Украинада ишлаб чиқарилган) Тўлов шакли-турлича. Кафолат мuddати — 6 ойдан 2 йилгача...

ТЕНДЕР ТАНЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

Тендер номи: Компьютер жиҳозлари, лингфон кабинетлари, нусха кўпайтириш техникаси, мебеллар ва илмий жиҳозлар билан таъминлаш, етказиб бериш ва ўрнатиш. Лойиҳа номи: «Таълим секторини ривожлантириш лойиҳаси»

Invitation for Bids Education Sector Development Project Contract No. 1961 UZB/ICB002

The Republic of Uzbekistan has received a Loan from the Asian Development Bank (ADB) towards the cost of the Education Sector Development Project, and it intends to apply part of the proceeds of this Loan for payments under the Contract No. 1961 UZB/ICB002.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Дадабоев кўчаси 52-уйда жойлашган маъмурий, ишлаб чиқариш биноларига Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар судининг 2004 йил 6 февралдаги ҳукми ва Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман суд ижрочилари бўлиминининг 2004 йил 17 июлдаги қарорига асосан...

O'ZSANOATQURILISHBANK Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР ХОМ-АШЁ БИРЖАСИ фермер ва қишлоқ хўжаликлари учун қишлоқ маҳсулотларини (дон маҳсулотлари, гўшт, қорақўл, мева ва сабзавотлари) савдо қилиш учун республикамизда махсус савдо майдончалари очилганлигини эълон қилади...

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ. Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси академик М. Баратовга рафиқаси МАРЯМХОННИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ Таҳрир хайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма № — 1167. 21502 нусxada босилган, ҳажми — 2 тираж. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А-2. Газета ИВМ компьютерда терилган ва операторлар Жамоат Тоғай ва Бақорай Файзулла томонидан текширилган.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Б. Этамқулов. Навбатчи — Р. Ёрдақабов. Мусоҳаҳчи — Ш. Машраббоев.